An aerial photograph of a wide river meandering through a vast agricultural landscape. The fields are organized in a grid pattern, with various shades of green and brown. The river is a prominent light-colored feature, curving from the upper left towards the lower right. The sky is clear and bright.

**Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти**  
**«Давлат кадастрлари» кафедраси**  
**«Ер ресурсларини бошқариш» фани**  
**«Ер ресурсларини бошқаришнинг  
назарий асослари»**

**Тошкент - 2018**

# Ер ресурсларини бошқаришнинг назарий асослари

---

## Режа:

1. Ер ресурслари ва ундан фойдаланиш.
2. Ер ресурсларини бошқариш тушунчаси.
3. Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари.
4. Ер ресурсларини бошқариш йўналишлари.



## Адабиётлар:

### Асосий адабиётлар:

1. Раҳмонов Қ.Р. Ер ресурсларини бошқариш. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2008. – 161 б.
2. Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Управление землепользованием. Ташкент. ТИИМ. 2010.-327 с.
3. Варламов А.А., Гальченко С.А. Управление земельными ресурсами. Учебное пособие. М.: ГУЗ, 2005. – 240 с.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Т.: “Адолат”, 2011 й.
2. Бабажонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Т.: ТИМИ, 2008 – 220 б.
3. Selim Kapor, Hari Eswaran, Winfried Blum. Sustainable Land Management. Springer-Verlag Berlin and Heidelberg GmbH & Co. KG. Germany 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Т.: “Ергеодезкадастр” д.к. қўмитаси, 2015. – 85 б.



---

***Ер умум миллий бойликдир,  
Ўзбекистон Республикаси халқи  
ҳаёти, фаолияти ва  
фаровонлигининг асоси сифатида  
ундан оқилона фойдаланиш зарур ва  
у давлат томонидан муҳофаза  
қилинади.***

***Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. 1-модда***

---

**Ер ресурслари** - табиий ресурслар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. У мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлайди, республикамизнинг иқтисодий салоҳияти учун моддий негиз яратади.

Шу сабабли ердан ҳар қандай даврда ва шароитда оқилона, унумли ва илмий асосланган тарзда фойдаланишни тўғри ташкил этиш мамлакат бугуни ва келажаги учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

## ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ

---

**Ер** жамият бойлигининг манбаи, инсоният учун моддий бойликлар яратиш ва ишлаб чиқаришни хом ашё билан таъминлашнинг табиий негизидир. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ер **асос (базис)** ва **ишлаб чиқариш воситаси** сифатида қатнашади.

Ишлаб чиқариш жараёни ва инсониятнинг барқарорлиги ер ва ундан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам ерни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш инсоният олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

## ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ


---

*Ердан фойдаланиш* – бу ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, жамият ва табиат комплекслари ривожланиш қонуниятлари билан боғлиқ ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнидир<sup>1</sup>.

*Ердан фойдаланиш* – бу жамиятда ер ресурсларидан фойдаланишнинг узлуксизлиги, кўп мақсадлилиги, даврийлиги каби усуллар мажмуаси ҳамда ушбу жараённи бошқаришдир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Чертовичкий А.С., Базаров А.К. Управление землепользованием. Ташкент. ТИИМ. 2010.-327 с.

# ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИ





# ЕРДАН ҲОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИ



# БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ

---

Бошқарув тизими ўзини умумий кўринишда тизимга таъсир кўрсатиш жараёни ана шу тизимга тегишли бўлган объектив қонуниятлардан фойдаланиш асосида уни бошқаришга қаралади.

# ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ МАҚСАДИ

---

Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади - ердан фойдаланиш билан боғлиқ жамият эҳтиёжини қондиришга қаратилган ер муносабатлари тизимини шакллантириш, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборатдир.

## ***Ер ресурсларини бошқаришнинг асосий вазифалари:***


---

- ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ташкил этиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш;
- ер тузиш, ер кадастри ва ер мониторингини ташкил этиш;
- тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишлари учун шароитлар яратиш;
- ердан фойдаланишда қонунийликни таъминлашдан иборат.

# ОБЪЕКТИ

---

- ✘ Ер ресурсларини бошқариш объекти - ер участкаларнинг ҳуқуқий ҳолати, тоифаси, фойдаланиш мақсади ва характеридан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг бутун ер фонди ҳисобланади.



# СУБЪЕКТИ

---

- ✘ **Ер ресурсларини бошқариш субъекти** ер муносабатларини тартибга солиш ва ер ресурсларини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда ер участкасига эга бўлган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар, юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

# Ер ресурсларини бошқариш йўналишлари

Ер ресурсларини бошқаришда қуйидаги йўналишлар мавжуд:

**Сиёсий** – ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва экологик вазифаларини бажарилишини таъминлашдир;

**Ҳуқуқий** – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий меъёрлар асосида ерлардан белгиланган мақсадда оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдир;

**Илмий** – фан–техника тараққиёти эришган ютуқларни ҳисобга олиш билан бирга ер ресурсларини бошқариш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдир;

**Иқтисодий** - ер ресурсларидан самарали фойдаланиш шартларини белгилаш ва таъминлашдир;

**Ташкилий-технологик** - иқтисодий, ижтимоий рағбатлар ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш.

## Ерлардан оқилона фойдаланиш

– **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун** – ерлардан уларнинг мақсад вазифаси бўйича ерларнинг табиий-қишлоқ хўжалик жиҳатдан районлаштирилишини, ерларнинг кўп жиҳатли хусусиятларини инobatга олган ҳолда, табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилган ҳолда ҳудудни меҳнат унумдорлигининг оширишни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпайишини таъминлаш йўлида мақсадга мувофиқ ташкил этиб фойдаланиш;

- **қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар учун** – ерлардан белгиланган мақсад вазифаси бўйича фойдаланиш, ер участкаларидан табиатни муҳофаза қилиш ва шаҳарсозлик талабларини инobatга олган ҳолда максимал зичлигини таъминлаган ҳолда тежамли фойдаланиш.



Ердан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги, ўрмон ва яйлов ерларини ишлаб чиқариш ҳусусиятини ошириш ва қайта тиклаш, суғориладиган, алоҳида қиймати ва муҳофазаланадиган ерларни асоссиз абортдан чиқариш, ерларни табиий ва антропоген салбий жараёнлардан ҳимоялашнинг йўллари:

**Ташкилий**

Илмий асосланган ер тузиш

Ҳудудий ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш

Ягона ер мониторинг тизимини олиб бориш

Давлат кадастрини тўлиқ амалга ошириш

Давлат ва жамоат экспертизасини йўлга қўйиш

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш назоратини кучайтириш ва ҳ.к.

**Ҳуқуқий**

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги нормаларини такомил — лаштириш

Табиий ресурслар қонунчилиги нормаларини такомил — лаштириш

Тадбиркорликни кафолатлаш нормаларини такомил-лаштириш

Ердан фойдаланиш нормаларини экология — лаштириш

Экологик ҳуқуқий механизмни яратиш

Ер ҳуқуқбузарлигига нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш

**Иқтисодий**

Ўрмон ерларни имтиёзли солиққа тортиш

Тупроқ муҳофазаси тадбирларини кредитлаш

Экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш

Ерларни рекультивация ва тубдан мелиорация қилишга давлат дотациясини бериш

Ер жамғармасини жорий қилиш ва ҳ.к.

**Технологик**

Ерларни тубдан мелиорациялаш ва рекультивация — лаш технология — ларини ишлаб чиқиш

Шаҳар қурилиши лойиҳаларига ер муҳофазаси элементларини жорий этиш

Ноқишлоқ ҳўжалик ва саноат ўзлаштиришни ягона технологиясини яратиш

Сувларни муҳофаза қилиш технологиясини жорий қилиш

Ерларни қайта тиклаш технологияларини жорий этиш ва ҳ.к.

# ЕРДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЙУЛЛАРИ

## Тадбирлар мажмуи

Ер участкасидан мақсадли фойдаланишни рағбатлантириш нормалари:

- ер тулови имтиёзлари
- рағбатлантириш жамғармаларини ташкил қилиш
- кредитлаштириш ва ҳ.к.

Ердан самарасиз фойдаланиш сабаблари ва шароитларини бартараф қилиш нормалари:

- ер бериш тизимини кадрлар нуқтаи назаридан кучайтириш
- ердан нотўғри фойдаланиш натижасида келтирилган зарарни ҳисоблашни илмий асослаш
- ер мониторинги, назорати ва экспертизасининг ягона ҳуқуқий асосини яратиш ва ҳ.к.

Ердан оқилона фойдаланиш талабларини бузишнинг олдини олишнинг тезкор ҳуқуқий чораларини белгилаш нормалари:

- вақтинчалик тўхтатиб туриш
- чеклаш
- қайта ихтисослаштириш
- жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ва ҳ.к.

---

*Этиборларингиз учун рахмат !*

---

## Жаҳон ер ресурслари таркиби.

Минтақа	Жаҳон ер фондига нисбатан салмоғи, %				
	Ер фонди	Хайдалма ер	Яйловлар	Ўрмон	Бошқа ерлар
Европа	8	27	16	10	16
Осиё	33	32	18	28	34
Африка	23	15	24	18	22
Шимолий Америка	17	15	10	17	14
Жанубий Америка	13	8	17	24	9
Австралия ва Океания	6	3	15	3	5
Жами	100	100	100	100	100

## ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР:

---

1. Ўзбекистоннинг ғарбдан-шарққа узунлиги 1425 км, шимолдан жанубга узунлиги 930 км.
2. Ўзбекистон чегарасининг умумий узунлиги 6221 км.
3. Энг йирик дарёлар Амударё ва Сирдарё.  
Узунлиги Амударё – 2660 км. Сирдарё – 2982 км.
4. Ўзбекистон ҳудуди жиҳатдан жаҳонда 55-ўринда, аҳолиси жиҳатдан 39-ўринда